

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

МАМЛАКАТИМИЗДА БИЗНЕС МУҲИТИ ЯХШИЛАНМОҚДА

Ўзбекистон Савдо-саноат палатасида Ўзбекистонда бизнес муҳити таҳлилининг долзарб масалаларига бағишланган семинар-тренинг бошланди.

Тадбир Савдо-саноат палатаси томонидан БМТ Тараққиёт дастурининг «Ўзбекистон бизнес-форуми» лойиҳаси ва Иқтисодий тадқиқотлар маркази билан ҳамкорликда ташкил этилди. Унда Савдо-саноат палатасининг ҳудудий бўлимлари, БМТ Тараққиёт дастури мутахассислари, шунингдек, тадбиркорлик субъектлари вакиллари иштирок этди.

Семинарда Ўзбекистонда кейинги йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш борасида кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилгани таъкидланди. Хусусан, республика ва ҳудудлар миқёсида иқтисодиётни эркинлаштириш ва модернизация қилиш мезонлари, мамлакатда ишбилармонлик муҳитини шакллантириш даражасини ҳар чоракда баҳолаш кўрсаткичлари тизими жорий этилди. Президентимиз Ислон Каримовнинг 2012 йил 16 июлда қабул қилинган «Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2012 йил 18 июлда имзоланган «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари мазкур йўналишда амалга ошириладиган ислохотларнинг мантикий даражаси бўлди.

Ўзбекистонда бизнес-муҳит ва ишбилармонлик фаоллиги индекси Савдо-саноат палатаси, Иқтисодий тадқиқотлар маркази ва БМТ Тараққиёт дастурининг «Ўзбекистон бизнес-форуми» лойиҳаси томонидан ишлаб чиқилган.

Ишбилармонлик фаоллиги индекси 2009 йил июль ойидан ҳар чоракда баҳолаб борилади ҳамда иқтисодиётнинг мавжуд ҳолати ва бизнес ривожининг истиқболларини ўзида акс эттиради. Ҳисобкитоблар мамлакатимизнинг бешта тармоғи – саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, транспорт ва алоқа, савдо ва умумий овқатланиш соҳаларида фаолият юритаётган корхоналар раҳбарлари ўртасида сўров ўтказиш асосида амалга оширилади. 2011 йилнинг иккинчи чорагидан бошлаб

ишбилармонлик муҳити индексини баҳолаш ҳам йўлга қўйилди.

Индексларни ҳисоблашдан асосий мақсад бизнеснинг бугунги «кайфиятини», ҳолатини, фаоллик тенденцияларини баҳолаш ва прогнозлар тузиш, яъни тадбиркорларни олдинда қандай натижалар кутиши мумкинлигини аниқлашдан иборат.

Семинар-тренингда 2012 йилнинг учинчи чорагида Ўзбекистонда бизнес-муҳит ва ишбилармонлик фаоллиги индексини аниқлаш бўйича олиб борилган иш якунлари таҳлил этилди, www.businessinfo.uz ягона ахборот портали имкониятларидан фойдаланиш бўйича тақдимот ўтказилди.

Тадбиркорлар ва мутахассислар билан видеоалоқа ўрнатиш имконини берувчи CISCO тизимининг иши алоҳида кўриб чиқилди. Мазкур тизим кўплаб ривожланган мамлакатларда жорий этилган ва асосан ишбилармонлик доиралари учун мўлжалланган. Тизим орқали музокаралар ўтказиш, видео-анжуманлар, сўровлар ташкил этиш мумкин.

Ишбилармонлик фаоллиги индексини аниқлаш мақсадида сўровномалар ишлаб чиқилган. Улар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан тўлдирилади. Ушбу сўровномаларда корхонанинг аҳволи ва кейинги йилларда унинг ривожланиш истиқболлари тўғрисида сўзлаб бериш таклиф этилган. Сўровноманинг иккинчи бўлими бизнес-муҳитни баҳолашга бағишланган бўлса, учинчи бўлимида тадбиркорлар учун ўз фаолиятларида юзага келаётган барча муаммоларни очиқ баён этиш имконияти мавжуд.

Савдо-саноат палатаси томонидан БМТ Тараққиёт дастурининг «Ўзбекистон бизнес-форуми» лойиҳаси билан биргаликда яратилган www.businessinfo.uz ягона ахборот порталига алоҳида эътибор қаратилди. Бунда тадбиркорлар қисқа вақт ичида рўйхатдан ўтиш ва кредитлар олиш, бизнес-режалар тузиш, лицензия олиш, ускуналарни харид қилиш масалалари бўйича батафсил маълумотларни олиши мумкин.

Ў.А.

Долзарб мавзу

ВОСИТАЧИ БЎЛГАН ЭДИМИ?

Бугунги кунда ҳуқуқни қўллаш амалиётида юзага келган вазиятга кўра, буюртмачилар учун реклама ишларини бажарадиган (рекламанинг оригинал макетлари, матнлар, роликлар, реклама мурожаатларини тарқатишнинг медиа-режасини ишлаб чиқадиган, уларни ОАВда жойлаштирадиган) реклама агентликлари фаолияти текширилганда уларнинг фаолияти баъзан «воситачилик хизматларини кўрсатиш» деб талқин этилади. Одатда бундай агентликлар кичик бизнес субъектлари ҳисобланадилар, тушумдан 6%лик ставкада ягона солиқ тўловини тўлайдилар. Улар фаолиятини воситачилик деб баҳолаш солиқнинг бошқа ставкасини (33%) қўллашга, ЯСТ, пеняни қўшимча ҳисоблашга олиб келади.

Худди шундай амалиёт нафақат реклама соҳасида, балки баъзи бир бошқа соҳаларда ҳам мавжуд. Шу муносабат билан фаолиятни воситачилик фаолияти деб қачон эътироф этиш мумкин, деган савол туғилади. Воситачилик фаолияти билан воситачилик тусида бўлмаган фаолиятни аниқ чегаралаш имконини берадиган бирор-бир мезонлар мавжудми?



ДИҚҚАТ! ТОШКЕНТ ШАҲАР СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИ

2012 йилнинг 9 ойи якунлари бўйича ҳисобот даврининг бошланиши муносабати билан барча юридик шахслар давлат статистика ҳисоботини топшириши лозимлигини эслатади:

мулкчилик шакли ва ҳолатидан қатъи назар (тугатилганларидан ташқари) кичик бизнес субъектлари – 2012 йил 25 октябргача;

бошқа ташкилотлар ҳисоботларни Президентнинг 2012 йил 16 июлдаги «Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4453-сон Фармонини ҳисобга олган ҳолда куйида келтирилган шаклларда ва куйидаги муддатларда топширадилар:

Корхона ва ташкилотларга давлат статистика ҳисоботини Интернет орқали ЭЛЕКТРОН ШАКЛДА топшириш имконияти яратилган. Бу борадаги барча зарурий ахборот www.stat.uz сайтида мавжуд («Электрон ҳисобот» бўлими).

N	Статистик ҳисобот шакллариининг номи	2012 йил июлдан ўрнатиладиган даврийлик
1	4-М шакли «Корхонанинг молиявий аҳволи тўғрисида ҳисоботи»	Чораклик (18 сентябрь ва 18 декабрдан кечиктирмай), (ҳисобот барча 1, 2, 3, 4 бўлимлар бўйича тўлдирилади)
2	1-TS шакли «Хорижий сармоя иштирокидаги корхонанинг фаолияти тўғрисида ҳисоботи»	Йиллик
3	1-S shakliga ilova «Саноат корхоналарининг 20__йилда маҳсулот етказиб бериш ва моддий ресурсларни олишга шартномалар тузишнинг бориши юзасидан сўров»	Йилда 2 марта (1 декабрь, 1 февраль)
4	1-S shakliga ilova «Кооперация биржасида тузилган шартномалар доирасида 2012 йилда тайёр маҳсулот, бутловчи қисм ва материаллар етказиб берилишининг бориши тўғрисида ҳисобот»	чораклик (3 октябрь ва 3 январдан кечиктирмай)
5	1-MDS шакли «Тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини амалга ошириш тўғрисида ҳисоботи»	чораклик (ҳисобот даврдан кейин келувчи ойнинг 1 санасидан кечиктирмай)
6	2- yoqilg'i shakli «Ёқилғи келиб тушиши, сарфи ва қолдиқлари тўғрисида ҳисоботи»	Йиллик
7	1-RM шакли «Рангли металл парчалари ва чиқиндиларининг шаклланиши ва ишлатилиши тўғрисида ҳисоботи»	Йиллик
8	2-рахта шакли «Пахта хом ашёсини қайта ишлаш тўғрисида ҳисоботи»	чораклик
9	1-pilla шакли «Пилла хариди тўғрисида ҳисобот»	Йилда 2 марта (1 июль, 1 октябрь)
10	1-qujilish shakliga ilova «Ижтимоий соҳанинг айрим объектларини ишга тушириш тўғрисида ҳисоботи»	чораклик
11	3-тг шакли «Автомобиль транспортида халқаро юк ташишлар тўғрисида ҳисоботи»	чораклик
12	1-mehnat шакли «Меҳнат ҳисоботи»	чораклик (ҳисобот даврдан кейин келувчи ойнинг 4 санасидан кечиктирмай)

Статистик ҳисоботни электрон шаклда тақдим этиш тизимидан фойдаланиш учун Сиз куйидагиларни амалга оширишингиз:

– Интернет тармоғига уланишингиз ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Янги технологиялар илмий-ахборот маркази қошидаги ЭРИ калитларини рўйхатга олиш маркази томонидан берилган электрон рақамли имзога (ЭРИ) эга бўлишингиз;

– ЎзР Давстатқўмнинг расмий сайтидан (www.stat.uz) янгиланган дастурий таъминотни юклаб олиб, ўз компьютерингизга ўрнатишингиз (дастурнинг янгиланиши мажбурийдир);

– ҳисоботни тўлдириб, уни арифметик ва мантикий хатолар бўйича назорат текширувидан ўтказишингиз лозим.

Дастур алмаштирилувчи ахборот ташувчиларда ЭРИни мустақил равишда излайди, унинг ишончлилигини текширади, ҳисоботни имзолайди, маълумотларни шифрлайди ҳамда Давстатқўмнинг серверига жўнатади.

Давстатқўмнинг серверидан сизга ҳисобот келиб тушгани, шунингдек унинг қабул қилинганлиги ёки қабул қилинмаган бўлса, хатоларни бартараф этиш бўйича тавсиялар ҳақидаги ахборот электрон хабар кўринишида келади. Хатолар мавжуд бўлган тақдирда Сиз уларни тузатиш ва мазкур ҳисоботни топшириш учун белгиланган муддатларда уни қайта топшириш имкониятига эга бўласиз. Ҳисобот қабул қилинганлиги тўғрисидаги хабарнинг келиши унинг топширилганлигидан далолат беради. Бунда унинг қоғоз шаклидаги нусхасини статистика органларига қўшимча топшириш талаб этилмайди.

Маълумот учун телефонлар:
кичик бизнес субъектлари учун: 230-88-20, 230-88-21;
бошқа ташкилотлар учун: 230-88-22, 230-88-23, 230-88-11, 230-88-12.

ОБЪЕКТ БЎЛМАСА – СОЛИҚ ҲАМ БЎЛМАЙДИ

«Илҳом» замонавий санъат маркази» нодавлат нотижорат ташкилоти сизларга ўз ҳурматини изҳор этиб, қуйидаги масалага ойдинлик киритишда ёрдам беришингизни сўрайди.

Бизнинг ННТ уставида белгиланган мақсад ва вазифалар театр тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш, спектаклларни саҳналаштириш ва халққа намойиш этиш ҳисобланади. Тегишинча, бизга спектаклларга чипталар сотишдан пул маблағлари, театрни ривожлантириш учун клуб бадаллари ва ҳомийлик ёрдами келиб тушади.

Келиб тушадиган пул маблағларининг ҳаммаси фақат «ННТ фаолияти тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ устав мақсадлари ва вазифаларини бажаришга сарфланади.

Келиб тушадиган пул маблағлари солиқ солиш объекти ҳисобланадими?

Хурмат билан А.Бочкарёв,
«Илҳом» ЗСМ ННТ бошқарув раиси.



– Солиқ кодексига мувофиқ нотижорат ташкилотлари фақат тадбиркорлик фаолиятдан олинган тушумлардан солиқлар (ҚҚС, фойда солиғи, мол-мулк солиғи ва бошқалар) тўлайдилар (Солиқ кодексининг 126, 197, 265-моддалари, бундан кейин – СК).

Юқорида кўрсатилган меъёрларни қўллашда юзага келадиган асосий масала – қандай ҳолларда тушумларни нотижорат тусдаги фаолиятдан, қайси ҳолларда эса тадбиркорлик фаолиятдан олинган деб эътироф этишни аниқлашдир.

Ушбу саволга жавоб топиш учун аввало амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган ННТ ва тадбиркорлик фаолияти тушунчаларини таърифлаймиз.

Солиқ кодекси 17-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ нотижорат ташкилотлари деганда **фойда олишни фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмаган ва олинган даромадларни ўз қатнашчилари (аъзолари) ўртасида тақсимламайдиган** юридик шахслар тушунилади. Мазкур модданинг иккинчи қисмида нотижорат ташкилотларига, шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотлари (ННТ) кириши назарда тутилган.

«Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Қонуннинг (14.04.1999 йилдаги 763-1-сон) 2-моддасига биноан ННТни тузишнинг асосий мақ-

садлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, бошқа демократик қадриятларни ҳимоя қилиш;

ижтимоий, маданий ва маърифий мақсадларга эришиш;

маънавий ва бошқа номоддий эҳтиёжларни қондириш;

хайрия фаолиятини амалга ошириш; бошқа ижтимоий фойдали мақсадлар.

Шу тариқа, агар ННТнинг фаолияти юқорида кўрсатилган Қонуннинг 2-моддасида белгиланган бир ёки бир нечта мақсадга эришишга йўналтирилган бўлса, нотижорат фаолияти деб эътироф этилади. Мазкур мақсад (мақсадлар) нодавлат нотижорат ташкилотининг уставида қайд этилиши керак («Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Қонун 17-моддаси биринчи қисмининг иккинчи хатбошиси).

«Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг (2.05.2012 йилдаги ЎРҚ-328-сон Қонун билан тасдиқланган тахрирда) 3-моддасига мувофиқ тадбиркорлик фаолияти (тадбиркорлик) тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган, ўзи таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида **даромад (фойда) олишга**

қаратилган ташаббускорлик фаолиятидир.

Юқорида келтирилган меъёрий-ҳуқуқий қоидаларни ҳисобга олган ҳолда қуйидаги жиҳатларга эътибор қаратиш керак:

«Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Қонун 2-моддасида кўрсатилган мақсадлар ННТ фаолиятининг **нотижорат** тусдалигини, «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 3-моддасида кўрсатилган мақсад эса унинг **тижорат (тадбиркорлик)** тусдалигини белгилайди. **Даромад (фойда) олиш ННТ уставида уни барпо этиш ва фаолиятининг мақсади сифатида белгиланмайди;**

тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш, амалга оширилиши шарт бўлган асосий (нотижорат) фаолиятдан фарқли равишда, ННТ фаолиятининг мажбурий шarti ҳисобланмайди. Тадбиркорлик фаолияти юритиш ҳуқуқи ННТ уставида қайд этилиши мумкин, бироқ унда назарда тутилмаслиги ҳам мумкин.

«Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Қонуннинг 28-моддасига мувофиқ ННТ бинолар, иншоотлар, турар жойлар, ускуналар, инвентарь, пул маблағлари, шу жумладан чет эл валютасидаги пул маблағлари, қимматли қоғозлар ва бошқа мол-мулкка эга бўлиши мумкин.

«Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Қонуннинг 29-моддасида ННТ мол-мулкни шакллантиришнинг қуйидаги манбалари белгиланган:

кириш ва аъзолик бадаллари, агар улар уставда назарда тутилган бўлса; муассислардан, қатнашчилардан (аъзолардан) бир маротаба ва мунтазам равишда келадиган тушумлар; ихтиёрий мулкий бадаллар ва эҳсонлар;

тадбиркорлик фаолиятдан олинган, фақат устав мақсадлари учун ишлатиладиган даромадлар (фойда);

қонунларда тақиқланмаган бошқа тушумлар.

Энди қонун ҳужжатларининг ушбу қоидаларини ННТ шаклда ташкил этилган театр ташкилотига нисбатан қўлаймиз. Театр ташкилоти деганда асосий фаолияти спектаклларни, бошқа оммавий томошаларни тайёрлаш ва намойиш этиш, аҳолининг саҳна санъатига бўлган эҳтиёжларини шакллантириш ва қондириш мақсадида бунга йўлдош бўладиган хизматларни тақдим этиш ҳисобланган ташкилот тушунилади. Театр-томоша ташкилотлари уларни ташкил этишнинг асосий мақсадга боғлиқ равишда тижорат ва нотижорат тусда бўлиши мумкин. Агар бундай мақсад бўлиб фойда олиш ҳисобланса, улар тижорат ташкилоти, яъни «шоу-бизнес» ташкилоти сифатида рўйхатга олинади. Агар фойда олиш театр-томоша ташкилоти фаолиятининг асосий мақсади ҳисобланмаса, бундай ташкилот нотижорат ташкилоти сифатида рўйхатга олинади. Унинг асосий фаолияти – спектаклларни саҳналаштириш ва оммавий намойиш этиш тадбиркорлик деб ҳисобланмайди, чунки у даромад (фойда) олишга эмас, балки аҳолининг маънавий эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган.

Шу тариқа, агар:

театр нодавлат нотижорат ташкилоти шаклида ташкил этилган;

ушбу ташкилот уставида у маданий мақсадларга эришиш, спектаклларни саҳналаштириш ва оммавий намойиш этиш йўли билан аҳолининг маънавий эҳтиёжларини қондириш учун ташкил этилганлиги қайд этилган бўлса, –

мазкур фаолият тадбиркорлик ҳисобланмайди, чипталарни сотишдан олинган ва асосий нотижорат фаолиятини таъминлашга доир харажатларни қоплашга тўлиқ ҳажмда йўналтирилган пул маблағларига солиқ солинмайди.

Шуни ҳам таъкидлаймизки, театрда мазкур солиқлар бўйича бирор-бир мажбуриятлар, шу жумладан солиқ органига солиқ ҳисоботи шакллари тақдим этиш мажбурияти юзага келмайди. Сўз солиқ имтиёзлари тўғрисида эмас, балки **солиқ солиш субъекти ва объектининг** мавжуд эмаслиги тўғрисида бораётганлигига эътибор қаратиш лозим. Тадбиркорлик фаолиятининг мавжуд эмаслиги кўрсатилган солиқ турлари бўйича бирор-бир солиқ мажбуриятларининг йўқлигига ҳам олиб келади.

Комила КАРИМОВА,
экспертимиз.

УШБУ СОНДА:

✓ УСТУВОРЛИКЛАР

– Мамлакатимизда бизнес муҳити яхшиланмоқда
– Тармоқни ривожлантириш стратегияси **1, 4-бетлар**

✓ БЕВОСИТА МУЛОҚОТ

– Объект бўлмаса – солиқ ҳам бўлмайди

– Валюталар курси **2-бет**

✓ ДОЛЗАРЪ МАВЗУ

– Воситачи бўлган эдими?

1, 3-бетлар

✓ ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

– «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида».

Идоравий-меъёрий ҳужжат

– ЎзР меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг «Меҳнат дафтарчаларини юритиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги буйруғи.

Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2012 йил 5 сентябрдан 14 сентябргача бўлган маълумот. **5-6-бетлар**

✓ КАДРЛАР БЎЛИМИ

– Меҳнат дафтарчасидаги биринчи ёзув

– Уставга асосланган **7-бет**

✓ КРИМИНАЛИСТ ЭКСПЕРТ ЁН ДАФТАРИДАН

– Замонамиз «Отелло»си

8-бет

Эълон

СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 272 ва 287-моддаларига асосан эгалигида солиқ солинадиган мол-мулки ва ер участкалари бўлган жисмоний шахслар ҳамда деҳқон хўжаликлари жисмоний шахсларнинг мол-мулки ва ер солиқлари тўловчилари ҳисобланади.

Солиқ даври учун жисмоний шахслар томонидан тўланадиган мол-мулк ва ер солиғини тўлаш муддатлари ҳисобот йилининг 15 ОКТЯБРИГА ҚАДАР этиб белгиланган.

Ўз вақтида тўланмаган солиқ суммасига ҳар бир кечиктирилган кун учун қонунда белгиланган тартибда пеня ҳисобланиб, қарздорлик суд тартибида мажбурий ундирувга қаратилади.

Шундай экан мол-мулк ва ер солиғини 15 ОКТЯБРДАН КЕЧИКТИРМАЙ, тўлашни унутманг!

1-бетда

ВОСИТАЧИ БЎЛГАН ЭДИМИ?

“Воситачилик фаолияти”, “воситачилик тусидаги фаолият”, “воситачилик хизматлари”, “воситачилик тусидаги хизматлар” таърифлари қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган, шу муносабат билан турли талқинлар юзага келади. Мазкур масала аниқ меъёрий тартибга солилмаганлигини ҳисобга олиб, уни амалга ошириладиган операциялар ва амалга ошириладиган фаолият турининг моҳиятидан излаш лозим. Фуқаролик кодексининг (ФК) умуман битимлар (ФКнинг 101–112-моддалари) ва хусусан шартномалар тўғрисидаги (ФКнинг 353–363-моддалари), фикримизча, ноаниқликни бартараф этиш ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини тартибга солишда ёрдам берадиган умумий қоидаларига таяниб, баъзи тушунтиришларни беришга ҳаракат қиламиз.

Аввалига мазкур материал мақсадларида фойдаланиладиган баъзи бир муҳим тушунчаларни белгилаб оламиз.

Асосий битим оференти (бундан кейин - оферент) – акцептантга асосий битим тузишни таклиф этадиган субъект.

Асосий битим акцептанти (бундан кейин - акцептант) – оферентнинг асосий битимни тузиш таклифини қабул қиладиган субъект.

Воситачи – контрагентни излаш ва асосий битимни ҳузиш бўйича ёрдамчи битимни ким билан (бундан кейин – оферент/акцептант) тузганлигига боғлиқ ҳолда оферент ёки акцептантнинг топширигини бажарадиган субъект.

Асосий битим – оферент билан акцептант ўртасидаги битим.

Ёрдамчи битим – оферент/акцептант ва воситачи ўртасидаги битим, унинг доирасида воситачига асосий битимни амалга ошириш топшириғи берилади.

Қуйидаги жиҳатларга эътибор қаратинг.

1. Оферент/акцептант асосий битимни тузиш бўйича воситачи хизматларининг буюртмачиси бўлади.

2. Ёрдамчи битим фақат оферент/акцептант билан воситачи ўртасидаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солади, бироқ доимо пировард мақсади асосий битимни тузиш бўлади.

3. Акцептант/оферентни воситачи оферент/акцептант учун аниқлайди. Акцептант/оферент билан воситачи ўз номидан ёки оферент/акцептант номидан (ёрдамчи им шартларига боғлиқ ҳолда) асосий битимни тузади.

4. Асосий битим предмети бўлиб товарлар, ишлар, хизматлар ёки фуқаролик ҳуқуқларининг бошқа объектларини олиш ёки реализация қилиш бўлиши мумкин. Асосий битим бўйича нафга эга бўлувчилар бўлиб ҳар доим оферент ва акцептант (ёки улар кўрсатган шахслар) ҳисобланади. Воситачи асосий битим бўйича нафга эга бўлувчи ҳисобланмайди.

Энди воситачилик фаолияти ва воситачилик тусида бўлмаган фаолиятни чегаралаш имконини берадиган бир нечта мезонни таърифлашга уриниб кўрамиз.

Воситачи топшириқни бажараётганда **ўз манфаатларини эмас**, балки **у манфаатларини кўзлаётган шахс** – оферент/акцептантнинг манфаатларини, тижорат вакиллиги ҳолатида эса (ФКнинг 133-моддаси) бир вақтда иккала субъектнинг манфаатларини кўзлайди. Воситачилик тусида бўлмаган фаолиятни амалга оширадиган шахс **фақат ўз манфаатларини кўзлаб** ҳаракат қиладди.

Воситачи асосий битимда ҳар доим **ваколат бераётган шахс** (оферент ва (ёки) акцептант) **ҳисобига**, воситачилик тусида бўлмаган фаолиятни амалга ошираётган шахс эса **фақат ўз ҳисобига** ҳаракат қиладди. Сўз воситачи ҳақи тўғрисида бормаяпти, зеро у ёки бу фаолият доирасида ҳақ олиш асосида кўрсатиладиган ҳар қандай фаолият ва ҳар қандай хизматга ҳақ тўланади. Мазкур контекстда оферент/акцептантнинг асосий битимдан (унинг мазмунига боғлиқ ҳолда) асосий даромади (харажати) назарда тутилади.

Воситачи асосий битимда **оферент ҳам, акцептант ҳам бўлмайди**. Улар доимо бошқа шахслар бўлади: оферент бўлиб – асосий битим тузишни таклиф қилувчи, акцептант бўлиб – уни тузиш таклифи йўналтирилган шахс чиқади.

Воситачи иштирок этадиган чизмада доимо **битимларнинг икки тоифаси** тузилади: аввал ёрдамчи, кейин – асосий битим. Тўғридан-тўғри ўзаро муно-

сабатларда (воситачилик тусида бўлмаган фаолият) **фақат асосий битим** тузилади. Воситачининг йўқлиги боис ёрдамчи битим тузилмайди.

Воситачи иштирокида оферентнинг ҳаракати ва акцепт олиш чизмасида **учта кетма-кет бўғин** бўлиши шарт. Воситачи - ўрта бўғин. Агар воситачилик тусида бўлмаган фаолият тўғрисида сўзласак, кетма-кет бўғинлар сони ҳар доим 2 та: оферент – акцептант бўлади. Воситачи тарзида оралиқ бўғин мавжуд эмас.

Хуллас, юқорида келтирилган ахборотдан фойдаланиб, бир нечта мисолда қандай вазиятларда фаолиятни воситачилик фаолияти, қандай ҳолларда эса воситачилик тусида бўлмаган фаолият деб баҳолаш мумкинлиги хусусида сўзлаш кераклигини кўрсатишга уриниб кўрамиз.

1-МИСОЛ

Реклама берувчи
Бир ўзи реклама ишлаб чиқарувчи ва тарқатувчи бўладиган реклама агентлиги

Реклама агентлиги реклама берувчининг буюртмасига кўра ўз кучи билан реклама материалларини тайёрлайди ва уларни ташқи реклама сифатида, айрим буклетлар тарзида ўзининг босма ёки электрон нашрида ёхуд бошқа реклама воситалари билан жойлаштиради.

Мазкур чизмада:

оферент – реклама агентлиги;

акцептант – реклама берувчи;

асосий битим – реклама материалларини тайёрлаш ва жойлаштириш шартномаси реклама берувчи билан реклама агентлиги ўртасида тузилади.

Реклама агентлигининг фаолияти – **воситачилик тусида эмас**.

2-МИСОЛ

Реклама берувчи
Реклама агентлиги
Рекламани ишлаб чиқарувчи ва тарқатувчи

Реклама агентлиги реклама берувчи билан тузилган топшириқ (воситачилик) шартномасига кўра рекламани ишлаб чиқарувчи ва тарқатувчини излаб топади ва у билан реклама берувчи номидан (ёки ўз номидан, бироқ реклама берувчининг ҳисобидан) реклама материалларини ишлаб чиқиш ҳамда уларни ташқи реклама сифатида, алоҳида буклетлар тарзида унинг босма ёки электрон нашрида ёхуд бошқа воситалар билан жойлаштириш тўғрисида шартнома тузади.

Мазкур чизмада:

оферент – рекламани ишлаб чиқарувчи ва тарқатувчи;

воситачи – реклама агентлиги;

акцептант – реклама берувчи;

асосий битим – рекламани ишлаб чиқиш ва жойлаштириш шартномаси;

ёрдамчи битим – реклама берувчи билан реклама агентлиги ўртасидаги шартнома, унга кўра агентликка рекламани ишлаб чиқарувчи ва тарқатувчини излаб топиш ҳамда у билан реклама материалларини ишлаб чиқиш ва жойлаштириш шартномасини (асосий битим) тузиш топширилган.

Реклама агентлигининг фаолияти – **воситачилик фаолияти**, рекламани ишлаб чиқарувчи ва тарқатувчининг фаолияти эса – бундай эмас.

3-МИСОЛ

Реклама берувчи	
Реклама агентлиги	
Реклама ишлаб чиқарувчи	Реклама тарқатувчи

Реклама агентлиги реклама берувчи билан тузилган топшириқ (воситачилик) шартномасига кўра реклама ишлаб чиқарувчини излаб топади ва у билан реклама берувчининг номидан (ёки ўз номидан, бироқ реклама берувчи ҳисобидан), шунингдек реклама тарқатувчи номидан реклама материалларини тайёрлаш тўғрисида шартнома тузади ва реклама тарқатувчи номидан (ёки ўз номидан, бироқ реклама берувчи ҳисобидан) унинг босма ёки электрон нашрида ташқи рек-

лама сифатида, айрим буклетлар тарзида ёки бошқа реклама воситалари билан рекламани жойлаштириш тўғрисида шартнома тузади.

Мазкур чизмада:

оферентлар – рекламани ишлаб чиқарувчи ва рекламани тарқатувчи;

воситачи – реклама агентлиги;

акцептант – реклама берувчи;

асосий битимлар – рекламани ишлаб чиқарувчи билан реклама тайёрлаш ва реклама тарқатувчи билан рекламани жойлаштириш тўғрисида шартномалар;

ёрдамчи битим – реклама берувчи билан реклама агентлиги ўртасидаги шартнома, унга кўра агентликка реклама ишлаб чиқарувчи ва реклама тарқатувчини излаб топиш ҳамда улар билан реклама материалларини тайёрлаш ва уларни жойлаштириш тўғрисида шартномалар (асосий битимлар) тузиш топширилган.

Реклама агентлигининг фаолияти – **воситачилик фаолияти**, реклама ишлаб чиқарувчи ва реклама тарқатувчининг фаолияти эса – бундай эмас.

Энди мақола бошида баён этилган вазиятни кўриб чиқамиз. Реклама агентлиги ўзининг мутахассислари кучи билан реклама яратиш (матнларни ёзиш, тасвирлар, фото, видео-, аудиороликларни тайёрлаш, оригинал макетлар, медиа-режа ва бошқаларни ишлаб чиқиш), кейин оммавий ахборот воситаларида ёки буюртмачи билан ягона шартнома шартларида бошқа воситалар билан рекламани жойлаштириш бўйича ишлар мажмуини бажаради. Реклама модулларини яратиш бўйича ишлар мажмуини бажариш воситачилик фаолияти ҳисобланмайди, чунки реклама агентлиги реклама берувчи билан тузадиган шартнома асосий битимдир. Мазкур ҳолда “ажратиб олиш” ҳамда реклама агентлигининг реклама тарқатувчиларни излаш ва реклама материалларини жойлаштиришга оид ҳаракатларини алоҳида баҳолаш баҳслидир. Агар ишлар мажмуини реклама агентлиги реклама берувчилар билан битта фаолият тури доирасида бажарса, мазкур ҳолда фаолият тури – реклама материалларини ишлаб чиқиш ва жойлаштириш бўйича ишларни бажариш, яъни воситачилик тусида бўлмаган фаолият сифатида содир этилаётган жами операциялар квалификациясини ҳисобга олган ҳолда ҳисоб юритилиши ва солиқ солиниши керак. Реклама берувчи билан реклама агентлигининг бажарилган ишлар натижасини (тайёр оригинал-макетлар) топшириш билан бирга реклама модулларини ўз кучи билан ишлаб чиқишга тузиладиган шартномаси хизматларни пулли кўрсатиш (ФКнинг 703–708-моддалари), топшириқ (ФКнинг 817–825-моддалари) ва воситачилик (ФКнинг 832–848-моддалари) тўғрисидаги эмас, балки пудрат тўғрисидаги умумий қоидалар (ФКнинг 631–655-моддалари) билан тартибга солинади. Шу тариқа, мазкур шартнома фуқаролик қонунчилиги нуқтаи назаридан воситачилик шартномаси ҳисобланмайди.

Реклама агентлигининг реклама тарқатувчиларни излаш ва реклама модулларини жойлаштириш бўйича ҳаракатларини воситачилик хизматлари сифатида баҳолаш учун улар реклама агентлиги реклама берувчи билан тузган, бир қатор шартларга боғлиқ ҳолда ФКнинг топшириқ тўғрисидаги ёки ҳақ суммасига 33% миқдорида ЯСТ ставкасини қўллаш билан воситачилик тўғрисидаги қоидалари билан тартибга солинадиган алоҳида шартнома билан тартибга солиниши керак (Президентнинг 30.12.2011 йилдаги ПҚ-1675-сон қарори билан тасдиқланган Микрофирмалар ва кичик корхоналар учун (савдо ва умумий овқатланиш корхоналаридан ташқари) ягона солиқ тўлови ставкаларининг 7-сатри).

Артём МОКШИН,

“Norma” эксперт юридик хизматининг раҳбари.

Реклама

Электрон маълумотнома тизими

NORMA

КОРХОНА ЮРИСТИ

Харид қилиш масалалари бўйича қуйидагиларга мурожаат қилинг:

Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1. 6-қavat.

Тел./факс: (998 71) 283-23-74.

E-mail: info@norma.uz, web:www.norma.uz

Бугунги кунда мамлакат электр станцияларининг қуввати 12,4 млн кВт ни ташкил қилади, бу эса бутун Марказий Осиё Бирлашган энергия тизими ҳосил қиладиган қувватларнинг деярли 50%идир. Барча кучланишдаги электр узатиш линияларининг умумий узунлиги 238,8 минг км дан ошади. Тармоқ инфратузилмаси халқ хўжалиги ва аҳолини марказлаштирилган тартибда электр энергияси билан таъминлаш, шунингдек бутун республиканинг sanoat ва коммунал-маиший истеъмолчиларини иссиқлик қуввати билан таъминлаш имконини беради. Чунончи, 2012 йилнинг I ярмида «Ўзбекэнерго» ДАК корхоналари ишлаб чиқариш фаолиятининг барча прогноз параметрларини бажардилар. Тармоқ бўйича товар маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 100,2%ни, истеъмолчиларга электр энергияси етказиб бериш – 21,3 млрд кВт-соатни, берилган иссиқлик энергияси 4,3 млн Гкал ни ташкил қилди.

Ташқи иқтисодий позицияларини мустаҳкамлашга кўмаклашиш мамлакат энергетика сиёсатининг муҳим йўналиши ҳисобланади. Жорий йилнинг биринчи ярмида маҳсулот экспорти режасини «Ўзбекэнерго» 147,5% қилиб бажарди. Электр энергияси бевосита шартномалар бўйича чегарадош давлатларга етказиб берилди, лойиҳа-тадқиқот ва қурилиш-монтаж ишларини ўтказиш хизматлари кўрсатилди.

ИНВЕСТИЦИЯЛАР

Энергетика соҳасидаги устувор вазибалар 2012 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастурида (Президент-нинг 27.12.2011 йилдаги ПҚ-1668-сон қарори билан тасдиқланган) аниқ белгиланган. Ҳозирги вақтда унинг доирасида 35 та инвестиция лойиҳаси амалга ошириляпти. «Ўзбекэнерго» ДАК раис ўринбосари Рўзиқул Раимовнинг айтишича, I ярим йилда мамлакат энергетикалари томонидан 548,6 млрд сўм капитал қўйилмалар ўзлаштирилган, бу эса давр прогнозининг 100,1%идир, 6 объект фойдаланишга топширилган.

МУҚОБИЛ ЭНЕРГЕТИКА

Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш негизда мамлакат халқ хўжалигини зарур энергетик қувват билан таъминлаш, ёқилги-энергетика ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш – энергетика тармоғининг энг муҳим вазибаларидан биридир, деб таъкидлади «Ўзбекэнерго» ДАК раис ўринбосари Алишер Файзиев.

Мамлакатимизда электр энергияси ишлаб чиқаришда асосан табиий газ (90%), мазут ва кўмирдан фойдаланилади. Бироқ, маълумки, кавлаб олинган ёқилги захиралари чекланган, ундан фойдаланиш эса атраф муҳитни ифлослантиришга олиб келади, шу сабабли тикланадиган энергия манбалари

устувор жиҳатларидан биридир.

Эҳтимол, тошкентликларнинг сеvimли жойи бўлган Чорвоқ сув омбори муқобил энергетикани жорий этиш учун ўзига хос полигон ҳисобланишини кўпчилик билмас керак. Агар аниқроқ қилиб айтсак, модернизация доирасида унинг базасида мавжуд бўлган 12 ГЭС негизда қуввати 750 кВт бўлган шамол энергетика қурилмасининг тажриба намунаси яратилляпти.

Бошлов лойиҳалари доирасида республикамиздаги турли минтақаларнинг 60 та объектида муқобил энергия таъминотининг модуль тизимлари монтаж қилиниб, фойдаланишга топширилди. Булар – уяли алоқа станциялари, қишлоқ врачлик пунктлари, базавий автоматика таянч шохбчалари, фермер хўжалик-

ТАРМОҚНИ РИВОЖЛАНТИРИШ СТРАТЕГИЯСИ

- Республикадаги 60 та объектида муқобил энергия таъминотининг модуль тизимлари монтаж қилиниб, фойдаланишга топширилди
- Энергетика факультети худудида қуёш электр станциясининг 2 модули ва 2 шамол генератори ўрнатилган
- Электр энергияси истеъмолчилари тўловлар ва мавжуд қарзлар тўғрисидаги ахборотни Интернет орқали ола билдилар
- Туман электр таъминоти корхонасида Персонал кабинет очинг


Электр энергетикаси – ҳар қандай давлатни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг зарур шarti. Ушбу базавий тармоқ амалда барча ижтимоий-иқтисодий соҳаларга таъсир кўрсатади. Бу соҳа, иқтисодийнинг ҳам, аҳолининг ҳам электр энергиясидан кутилаётган ҳамда прогноз эҳтиёжларини таъминлаш учун узоқ муддатли режалаштиришни тақозо этади.

Янги қурилиш ва замонавий технологияларни жорий этишга инвестицияларни киритишдаги суствашлик, мавжуд қувватларни модернизациялаш ва техник қайта жиҳозлашга капитал қўйилмалар қилинмаслиги, иқтисодий ва тармоқ хўжалигини ривожлантириш эҳтиёжларидан орқада қолаётган ёқилги ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигининг паст даражадалиги ислохотдан олдинги даврда Ўзбекистон электр энергетикаси самарали фаолият юритишига имкон бермаган эди.

(ТЭМ) асосида энергия ишлаб чиқариш борган сари кенг тус олмақда. Энергетикани ривожлантиришнинг оқилона ва салбий оқибатларга олиб келмайдиган йўллари излаш ва шундан келиб чиқиб муқобил энергетиканинг инновацион лойиҳаларини амалга ошириш – компанияни ривожлантиришнинг


лари, шаҳардан ташқаридаги уйлар ва энергия таъминоти етишмайдиган бошқа объеклардир. Тажрибанинг кўрсатишича, тикланаётган энергетика технологиялари олис қишлоқ туманларида кишиларнинг турмуш сифатини яхшилашга қодир. Улар энг самарали, ҳатто бирдан-бир электрлаштириш воситаси ҳисобланади. Ёритишдан ташқари, электр қуввати турмушда электр маиший асбоблари ва коммуникация воситаларидан (радио, телевидение, телефон, Интернет) фойдаланиш, замонавий тиббий жиҳозларни қўллаш, сув таъминотини яхшилаш ва қишлоқ хўжалиги самарадорлигини ошириш имкониятини беради.

ТошДУ энергетика факультети худудида қуёш электр станциясининг 2 модули ва 2 шамол генератори ўрнатилган. Ёз ойининг бошларида Қибрай энергетика коллежида тикланадиган энергия манбалари асо-



Сирдарё иссиқлик электр станцияси.

сида юқори технологик лаборатория барпо этилган. Унинг очиқ майдончасида «Интеллект диалог» МЧЖ мутахассислари 1,5 кВт-соат қувватга эга қуёш батареяси ва шамол қурилмасини улашган, улар муқобил тик-



Навоий иссиқлик электр станцияси.

лари орқали амалга оширилаётган тўловлар ва мавжуд қарзлар тўғрисида ахборотни тезда олиш имкониятига эгалар. Буни бажариш мушкул эмас. Персонал кабинетни очиш лозим. Ундан фойдаланиш учун туман электр таъминоти корхонасига бориш керак, бу ерда оператор истеъмолчи ҳозирлигида маълумотлар базасига унинг мобил телефони рақамини киритади. Рўйхатдан ўтказишни тасдиқлаш учун мобил телефонга яшириб кириш коди билан бирга SMS юборилади. Аниқроғи, унда Персонал кабинетга кириш учун логин (12 белгили сон) кўрсатилади. «Ўзбекэнерго» ДАК сайтнинг «Истеъмолчига хизматлар» бўлимини очиб (<http://www.uzbekenergo>), маиший энергия истеъмолчилари учун Персонал кабинетга кириб, ушбу логинни киритиш зарур. Кейин киритилган маълумотларни текшириш ва паролни олиш керак, у ҳам SMS хабари билан юборилади. Шундан кейин истеъмолчи ўз ҳисобрақамининг ҳолатини, келиб тушган тўлов, ҳисоблашнинг киритилган кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотларни, ҳисоб-китоблар тарихини билиши, шунингдек илгари айтилган телефон рақамини ўзгартириши, электр энергиясини ҳисобга олиш асбобини олиш, ўрнатиш ёки алмаштириш, уланиш чизмасини текшириш учун уста ёки инспекторни чақириши мумкин. Персонал кабинетнинг мавжудлиги ахборотни истеъмолчиларга SMS хабарлари воситасида тезкор етказиш, электрон тўловлар ҳолатининг таҳлилий кузатуви ва мониторингини юритиш имконини беради. Хавфсизлик мақсадида Персонал кабинетда 10 дақиқа давомида ҳеч қандай тугма босилмас, у автоматик равишда ёпилади, шундан кейин кириш таомилини такрорлашга тўғри келади.

Ушбу тизимни Тошкентда тажриба тариқасида синаб кўриш март ойида бошланган. Йил охиригача уни бутун республика бўйлаб тарқатиш режалаштирилляпти.

Гулнора АБДУНАЗАРОВА,
мухбиримиз.

Фотосуратларни «Ўзбекэнерго» ДАК тақдим этган.



Янги Ангрен иссиқлик электр станцияси.

ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

● ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

– «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида».

● ИДОРАВИЙ-МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТ

– ЎзР меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг «Меҳнат дафтарчаларини юритиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги буйруғи.

● **МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2012 ЙИЛ 5 СЕНТЯБРДАН 14 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

ХУСУСИЙ МУЛКНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ВА МУЛҚДОРЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИНГ КАФОЛАТЛАРИ ТЎҒРИСИДА*

Қонунчилик палатаси томонидан 2012 йил 19 июлда қабул қилинган.
Сенат томонидан 2012 йил 30 августда маъқулланган.

1-БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Хусусий мулк ҳуқуқи

Хусусий мулк ҳуқуқи шахснинг қонун ҳужжатларига мувофиқ қўлга киритган мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқидир.

Хусусий мулк бўлган мол-мулкнинг миқдори ва қиймати чекланмайди.

Хусусий мулк дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир.

Давлат хусусий мулкнинг бут сақланишини таъминлаш ва унинг кўпайтирилиши учун барча зарур шароитларни яратди.

Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина ўз мол-мулкдан маҳрум этилиши мумкин.

3-модда. Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

4-модда. Хусусий мулк ҳуқуқини амалга ошириш

Мулкдор ўзига қарашли мол-мулкка ўз хоҳишига кўра ҳамда ўз манфаатларини кўзлаб эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Мулкдор ўз мол-мулкига нисбатан қонунга зид бўлмаган ҳар қандай ҳаракатларни бажаришга ҳақли. У ўз мол-мулкдан хўжалик фаолиятини ва қонунда тақиқланмаган бошқа фаолиятни амалга ошириш учун фойдаланиши, уни бошқа шахсларга эгалик қилиш ва (ёки) фойдаланиш учун текинга ёхуд ҳақ эвазига бериши мумкин. Мол-мулкдан фойдаланиш фуқароларнинг, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги, атроф-муҳитга зарар етказмаслиги керак.

Барча мулкдорларга ўз ҳуқуқларини амалга оширишда тенг шароитлар таъминланади.

Интеллектуал мулк объектларига бўлган мутлақ ҳуқуқларнинг эгалари ва тижорат сирининг эгалари ушбу Қонун ҳамда бошқа қонунлар билан белгиланган ҳуқуқлар ва кафолатлардан фойдаланади.

5-модда. Хусусий мулк ҳуқуқининг муддатсизлиги

Хусусий мулк ҳуқуқи муддатсиздир. Мулкдорга мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш муддати белгиланишига йўл қўйилмайди.

6-модда. Бузилган хусусий мулк ҳуқуқининг тикланиши

Давлат бузилган хусусий мулк ҳуқуқининг тикланишини ва унинг суд орқали ҳимоя қилинишини кафолатлайди.

Мулкдорга етказилган зарарнинг ўрни уни етказган шахс томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ тўла ҳажмда қоплаши керак.

7-модда. Мулкдор ҳуқуқларининг устуворлиги

Мулкдорнинг давлат органлари билан ўзаро муносабатларида мулкдор ҳуқуқларининг устуворлиги принципи амал қилади, унга мувофиқ қонун ҳужжатларидаги хусусий мулк ҳуқуқини амалга ошириш билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган барча бартараф этиб бўлмайдиган зиддиятлар ва ноаниқликлар мулкдорнинг фойдасига талқин этилади.

2-БОБ. ХУСУСИЙ МУЛКНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ

8-модда. Хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш усуллари

Хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш қуйидаги йўллар билан амалга оширилади:

хусусий мулк ҳуқуқини тан олиш;

хусусий мулк ҳуқуқи бузилишидан олдинги ҳолатни тиклаш ва хусусий мулк ҳуқуқини бузадиган ёки унинг бузилиши хавфини туғдирадиган ҳаракатларнинг олдини олиш;

битимни ҳақиқий эмас деб топиш ва унинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш;

давлат органининг ва бошқа органнинг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг ҳужжатини ҳақиқий эмас деб топиш;

хусусий мулк ҳуқуқини мулкдорнинг ўзи ҳимоя қилиши;

бурчни аслича (натура) бажаришга мажбур қилиш;

зарарнинг ўрнини қоплаш;

неустойка ундириш;

маънавий зиённи қоплаш;

хусусий мулк ҳуқуқи муносабатларини тартибга солишда қонун ҳужжатлари барқарорлигини таъминлаш;

давлат органининг ва бошқа органнинг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг қонунга зид бўлган ҳужжатининг суд томонидан қўлланилмаслиги;

мол-мулкнинг айрим турларига бўлган хусусий мулк ҳуқуқининг вужудга келганлигини, ўзгарганлигини ва бекор қилинганлигини давлат рўйхатидан ўтказиш.

Хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш қонунга мувофиқ бошқа усуллар билан ҳам амалга оширилиши мумкин.

*Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасининг 2012 йил 25 сентябрдаги 189 (5609)-сонида чоп этилган.

9-модда. Давлат органининг ва бошқа органининг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг ҳужжати ҳақиқий эмас деб топиш

Давлат органининг ва бошқа органининг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган ва хусусий мулк ҳуқуқини бузадиган ҳужжати суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

10-модда. Хусусий мулк ҳуқуқини мулкдорнинг ўзи ҳимоя қилиши

Хусусий мулк ҳуқуқини мулкдорнинг ўзи ҳимоя қилишига йўл қўйилади.

Хусусий мулк ҳуқуқини мулкдорнинг ўзи ҳимоя қилиши усуллари ҳуқуқ бузилишига мутаносиб бўлиши ва ҳуқуқ бузилишининг олдини олиш учун зарур ҳаракатлар доирасидан чиқиб кетмаслиги керак.

11-модда. Мулкдорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда тенг ҳуқуқлилиқ

Мулкдорларга хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш учун давлат томонидан тенг шароитлар таъминланади.

12-модда. Хусусий мулк ҳуқуқини амалга оширишга давлат органларининг ва бошқа органларнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органи ва улар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф равишда аралашувига йўл қўйилмаслиги

Хусусий мулк ҳуқуқини амалга оширишга давлат органларининг ва бошқа органларнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органи ва улар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф равишда аралашувига йўл қўйилмайди.

13-модда. Хусусий мулкка тажовуз қилишга йўл қўйилмаслиги

Хусусий мулкка тажовуз қилишга йўл қўйилмайди.

Қонунга хилоф равишда хусусий мулк ҳуқуқини чеклашга ва (ёки) ундан маҳрум қилишга бевосита ёки билвосита қаратилган ҳаракатларга йўл қўйилмайди.

Номақбуллиги олдиндан маълум бўлган шартларни мулкдорга мажбуран қабул қилдириш, шу жумладан, ундан мол-мулкни, молиявий маблағларни ёки бошқа мулк ҳуқуқларни топширишни асоссиз равишда талаб қилиш тақиқланади.

Мулкдорнинг хўжалик фаолиятига пировард натижада унинг мол-мулки тортиб олинишига олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган ёхуд мулкдорни ўз мулкига бўлган ҳуқуқидан воз кечишга мажбур қиладиган қонунга хилоф равишдаги аралашув тақиқланади.

Хусусий мулкка тажовуз қилиш қонунга биноан таъқиб қилинади.

14-модда. Давлат органи ва бошқа органлар ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш

Давлат органларининг ва бошқа органларнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг ёки улар мансабдор шахсларининг ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги), шу жумладан, давлат органи ва бошқа орган ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган ҳужжат чиқарилиши натижасида мулкдорга етказилган зарарнинг ўрни давлат ва бошқа орган ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан қопланиши керак. Давлат органи ва бошқа органлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсларининг айби билан етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш суд қарори билан шу мансабдор шахслар зиммасига юкланиши мумкин.

15-модда. Давлат органларининг ва бошқа органларнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш

Мулкдор давлат органи ва бошқа органларнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг хусусий мулк ҳуқуқининг амалга оширилиши билан боғлиқ қонунга хилоф қарорлари, улар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан, ўз хоҳишига кўра, бўйсунув тартибда юқори турувчи органга ёки мансабдор шахсга ёхуд судга шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

Бўйсунув тартибда юқори турувчи органга ёки мансабдор шахсга шикоят бериш бундай шикоятни судга бериш ҳуқуқини истисно этмайди.

Мулкдор хусусий мулк ҳуқуқининг амалга оширилиши билан боғлиқ ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилганли-

ги тўғрисида давлат органларининг ва бошқа органларнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга мурожаат этганида давлат божи тўлашдан озод қилинади.

3-БОБ. МУЛҚДОРЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИНГ КАФОЛАТЛАРИ

16-модда. Ундирувни мол-мулкка қаратиш йўли билан мол-мулк олиб қўйилаётганда мулкдор ҳуқуқларининг кафолатлари

Мулкдорнинг мажбуриятлари бўйича ундирув мол-мулкка қаратилган тақдирда, унинг олиб қўйилишига фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда йўл қўйилади.

17-модда. Мулкдорнинг мол-мулки национализация, мусодара ва реквизиция қилинаётганда унинг ҳуқуқлари кафолатлари

Хусусий мулк бўлган мол-мулк национализация, мусодара ва реквизиция қилинмайди, қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Хусусий мулк бўлган мол-мулкни, шу жумладан, ер участкасини национализация ва реквизиция қилинган ҳолларда олиб қўйиш, агар қонунда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, мулкдорга унинг бозор қиймати, шунингдек бундай олиб қўйиш муносабати билан мулкдорга етказилган зарарнинг ўрни тўла қопланиши шарти билангина амалга оширилади.

Мулкдор хусусий мулк бўлган мол-мулкни национализация, мусодара ва реквизиция қилиш тўғрисидаги қарор устидан суд тартибда шикоят қилишга ҳақли.

18-модда. Қонунга мувофиқ ўзига тегишли бўлмайдиган мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқи бекор қилинганда мулкдор ҳуқуқларининг кафолатлари

Агар қонунга асосан шахсга тегишли бўлмайдиган мол-мулк унинг мулки бўлиб қолса, ушбу мол-мулкка нисбатан мулк ҳуқуқи суд тартибда бекор қилиниб, олиб қўйилган мол-мулкнинг қиймати шахсга тўланади.

19-модда. Мулк ҳуқуқи мулкдорнинг мол-мулкни бевосита олиб қўйишга қаратилмаган ҳолда бекор қилинганда унинг ҳуқуқлари кафолатлари

Давлат органининг мулкдорнинг мол-мулкни бевосита олиб қўйишга қаратилмаган қарори, шу жумладан, мулкдорга қарашли уй, бошқа иморатлар, иншоотлар ёки дов-дарахтлар жойлашган ер участкасини олиб қўйиш тўғрисидаги қарори муносабати билан мулк ҳуқуқининг бекор қилинишига фақатгина қонунларда белгиланган ҳолларда ва тартибда йўл қўйилиб, бунда мулкдорга олиб қўйилган мол-мулкка тенг мол-мулк берилади ва у кўрган бошқа зарарларнинг ўрни қопланади ёки мулк ҳуқуқи бекор қилиниши туфайли етказилган зарарнинг ўрни тўла ҳажмда қопланади.

Давлат органининг мулкдорнинг мол-мулкни бевосита олиб қўйишга қаратилмаган қарори, шу жумладан, ер участкасини олиб қўйиш тўғрисидаги қарори муносабати билан мулк ҳуқуқининг бекор қилиниши мулкдор билан келишувга кўра тегишинча туман, шаҳар, вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокимининг, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан амалга оширилади.

Ер участкасини олиб қўйиш ва уйни, бошқа иморатларни, иншоотларни бузиб ташлаш ёки дов-дарахтларни қўприб ташлаш тўғрисидаги қарор аҳоли пунктларининг бош режаларига, шунингдек тураржой даҳалари ҳамда кичик даҳаларини батафсил режалаштириш ва қуриш лойиҳаларига мувофиқ қабул қилинади.

Олиб қўйилаётган ер участкасидаги уйни, бошқа иморатларни, иншоотларни бузиб ташлаш ёки дов-дарахтларни қўприб ташлашга зарарнинг ўрни бозор қиймати бўйича олдиндан ва тўла қопланмагунга қадар йўл қўйилмайди.

Давлат органи уйнинг, бошқа иморатларнинг, иншоотларнинг ёки дов-дарахтларнинг мулкдорини қабул қилинган қарор тўғрисида бузиб ташлаш бошланишидан камида олти ой олдин, билдиришномага тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими қарорининг кўчирма нусхасини илова қилган ҳолда ёзма равишда (имзо қўйдириб) хабардор қилиши шарт.

Олиб қўйилаётган ер участкаларидаги уйни, бошқа иморатларни, иншоотларни ёки дов-дарахтларни баҳолаш баҳоловчи ташкилотлар томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади. Бунда хусусий мулк ҳуқуқи бекор қилинаётганда олиб қўйилаётган мол-мулкнинг қиймати, агар қонунда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, ана шу мол-мулк бевосита олиб қўйилишидан олдинги пайтдаги ёки олиб қўйилиши ҳақидаги хабар мол-мулкнинг қийматига таъсир кўрсатган пайтдаги ҳолатга кўра баҳоловчи ташкилот томонидан белгиланади.

Ер участкаси олиб қўйилиши муносабати билан мулкдорга бузиб ташланаётган мол-мулкнинг ўрнини қоплаш, бузиб ташланаётган уйнинг мулкдорига тураржой бериш, бузиб ташланаётган уй ўрнига яқка тартибда уй-жой қуриши учун фуқарога ер участкаси бериш, ер участкаси ва бошқа мол-мулк олиб қўйилиши муносабати билан мулкдорга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тартиби ва шартлари қонун ҳужжатларида белгиланади.

Мулкдор хусусий мулк ҳуқуқининг бекор қилинишига олиб келадиган қарорга рози бўлмаган тақдирда, бу қарор суд томонидан низо ҳал этилунига қадар амалга оширилиши мумкин эмас. Мулкдорга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш масалалари ҳам низоли кўриб чиқишда ҳал этилади.

20-модда. Мол-мулкни бошқа шахснинг қонунга хилоф эгалигидан талаб қилиб олиш

Мулкдор ўз мол-мулкни бошқа шахснинг қонунга хилоф эгалигидан талаб қилиб олишга ҳақли. Мазкур ҳуқуқни амалга оширишда давлат органлари мулкдорга кўмаклашиши шарт.

21-модда. Мулкдорнинг ҳуқуқларини эгалик қилишдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган ҳуқуқбузарликлардан ҳимоя қилиш

Мулкдор ўз ҳуқуқларининг ҳар қандай бузилиши, гарчи бу бузилишлар эгалик қилишдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаса ҳам, бартараф этилишини талаб қилиши мумкин. Мазкур ҳуқуқни амалга оширишда давлат органлари мулкдорга кўмаклашиши шарт.

22-модда. Хусусий мулк ҳуқуқининг қонунга мувофиқ бекор бўлиши оқибатлари

Хусусий мулк ҳуқуқини бекор қиладиган қонун қабул қилинган тақдирда, ушбу қонунни қабул қилиш натижасида мулкдорга етказилган зарарнинг ўрни, шу жумладан, мол-мулкнинг бозор қиймати давлат томонидан тўла ҳажмда қопланади. Зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги низолар суд томонидан ҳал этилади.

23-модда. Хусусий мулк муносабатларини тартибга солувчи қонун ҳужжати қабул қилингандаги кафолатлар

Хусусий мулк муносабатларини тартибга солувчи қонун ҳужжати мулкдорнинг ҳуқуқий ҳолатини ёмонлаштирган ёки мулкдорга қўшимча мажбуриятлар юклаган тақдирда, орқага қайтиш кучига эга эмас.

24-модда. Мол-мулкни хусусийлаштириш натижаларининг қайта кўриб чиқилиши ва бекор қилинишига йўл қўйилмаслиги

Давлат мулкни хусусийлаштириш жараёнида вужудга келган хусусий мулк дахлсиздир. Хусусийлаштириш натижалари қайта кўриб чиқилмайди ва бекор қилинмайди.

Ушбу Қонун кучга кирганидан кейин хусусийлаштирилган мол-мулк бўйича хусусийлаштириш натижаларини қайта кўриб чиқиш ва бекор қилиш масалалари юзасидан давлат органлари, шу жумладан, назорат қилувчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, шунингдек суд томонидан ташаббус билан чиқишга йўл қўйилмайди.

25-модда. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг мулк ҳуқуқи кафолатлари

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар, агар Ўзбекистон Республикасининг қонунларида ёки халқаро шартномаларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари билан тенг равишда мулк ҳуқуқидан фойдаланади.

4-БОБ. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

26-модда. Низоларни ҳал этиш

Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари соҳасида юзага келган низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

27-модда. Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

28-модда. Қонун ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳуқуқ қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиради; давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

29-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И.КАРИМОВ.

Тошкент ш.,
2012 йил 24 сентябрь
ЎРҚ-336-сон.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕҲНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

МЕҲНАТ ДАФТАРЧАЛАРИНИ ЮРИТИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ ЙЎРИҚНОМАГА ЎЗГАРТИРИШЛАР ВА ҚЎШИМЧА КИРИТИШ ҲАҚИДА*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил 21 сентябрда рўйхатдан ўтказилган.
Рўйхат рақами 402-7.

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2012 йил, 38-сон, 445-модда)

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 1-сонга илова), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 24 июлдаги ПФ-4456-сон «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 30-сон, 346-модда) ва Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 2 февралдаги 10-сон «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тузилмасини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2009 йил 30 декабрдаги ПҚ-1251-сон қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун

ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 5-сон, 39-модда) мувофиқ буюраман:

1. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги томонидан 1998 йил 7 январда 8/04-01, 32/01-сон билан тасдиқланган Меҳнат дафтарчаларини юритиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага (рўйхат рақами 402, 1998 йил 29 январь) иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Тошкент ш.
2012 йил 21 август
47-Б-сон.

Вазир
А.ХАЙТОВ.

*2012 йил 1 октябрдан кучга киради.

МЕҲНАТ ДАФТАРЧАЛАРИНИ ЮРИТИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ ЙЎРИҚНОМАГА КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИРИШЛАР ВА ҚЎШИМЧА

1. 2.5-банд куйидаги тахрирда баён этилсин:
«2.5. Иш берувчи ходимнинг талабига биноан меҳнат дафтарчасидан кўчирма ёки нусхани тасдиқланган ҳолда беради.

Ходимнинг ёзма равишдаги илтимосномасига кўра, қайтариб бериш шarti билан меҳнат дафтарчаси унинг эгасига 5 кундан ортиқ бўлмаган муддатга берилади. Бунда меҳнат дафтарчасига охириги иш жойи ва лавозими ҳақида киритилган маълумотларнинг тасдиғи сифатида ташкилот томонидан маълумотнома берилиши лозим.

Бу даврда мазкур Йўриқномада белгилангандан ўзгача тартибда меҳнат дафтарчасига қўшимча ёзувлар киритиш, уни ўзгартириш, гаровга бериш ёки йўқ қилиш қатъиян ман этилади ва барча жавобгарлик ходимнинг зиммасига юклатилади.»

2. 2.14-банд куйидаги тахрирда баён этилсин:

«2.14. Меҳнат дафтарчаси бор бўлган талабаларга, ўқувчиларга, катта илмий ходим-изланувчиларга ва тиббиёт ординаторларига ўқув юртлари (илмий муассасалар) томонидан олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг кундузги бўлимларида ўқиган вақтлари тўғрисида ёзув киритилади. Бундай ёзувларга асос бўлиб талабалар, ўқувчилар, катта илмий ходим-изланувчилар ва клиник

ординаторлар сафига қабул қилинганлиги ёки сафидан чиқариш тўғрисидаги ўқув юртлари (илмий муассасалар)нинг чиқарган буйруқлари ҳисобланади.

Юқорида кўрсатилган ўқувчи, катта илмий ходим-изланувчилар ва клиник ординаторларининг талабалар отрядларида, ишлаб чиқаришда ва хўжалик шартномалари бўйича илмий тадқиқот мавзуларда қатнашган даврлари, ихтисоси, малакаси, мансаби (лавозими) ва иш муддати кўрсатилган ҳолда тегишли маълумотномалар билан тасдиқланади. Ушбу маълумотномалар асосида ўқув юртлари (илмий муассасалар) талабалар, ўқувчилар, катта илмий ходим-изланувчилар ва клиник ординаторларининг меҳнат дафтарчаларига иши тўғрисидаги олинган маълумотларни киритилишини таъминлайди ва уларни қатъий ҳисобот ҳужжатлари тарзида сақлайди.»

3. 2.15-банд «аспирант» деган сўздан кейин «(стажёр-тадқиқотчи-изланувчи), докторант (катта илмий ходим-изланувчи)» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

4. 3.5-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан келишилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАРНИНГ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2012 ЙИЛ 5 СЕНТЯБРДАН 14 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

I. ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИЛДИ:

«Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 августдаги 233-сон қарори билан тасдиқланган Бюджет маблағлари ҳисобига фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техника дастурларини амалга оширишда қатнашувчи илмий-тадқиқот муассасалари илмий ва раҳбар ходимларининг базавий лавозим маошлари миқдорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси*

си Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг 2012 йил 21 августдаги 8, 48, 60-сонли қарори.

2012 йил 10 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2388 (2012 йил 20 сентябрдан кучга кирди).

II. ДАВЛАТ РЕЕСТРИДАН ЧИҚАРИЛДИ:

1. «1996 йил учун капитал қўйилмаларни молиялаштириш учун ҳисобланган акциз солиғи қийматининг бир қисмини «Ўзбекнефтегаз» МК корхоналари тасарруфида қолдиришнинг Вақтинчалик тартиби» (рўйхат рақами 250, 1996 йил 28 май). *Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган.*

Адлия вазирининг 2012 йил 5 сентябрдаги 189-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

2. «Қимматли қоғозлар бўйича ҳисоботларни тузиш ва тақдим этиш тўғрисидаги низом, 1-2-сон ўзгартириш ва қўшимчалар» (рўйхат рақами 710, 1999 йил 27 апрель), (рўйхат рақами 710-1, 2000 йил 10 ноябрь), (рўйхат рақами 710-2, 2003 йил 29 январь). *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказининг бош директори буйруғи билан тасдиқланган.*

Адлия вазирининг 2012 йил 5 сентябрдаги 190-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

3. «Корхоналар ва ташкилотлар векселларини чиқариш ва муомала қилиш Вақтинчалик тартиби, 1-сон ўзгартириш ва қўшимчалар» (рўйхат рақами 149, 1995 йил 31 май), (рўйхат рақами 149-1, 1997 йил 17 апрель). *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тасдиқланган.*

Адлия вазирининг 2012 йил 7 сентябрдаги 193-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

4. «Банкларнинг оддий вексели чиқарилиши ва муомалада бўлиши қоидалари, 1-сон ўзгартиришлар» (рўйхат рақами 554, 1998 йил 30 ноябрь), (рўйхат рақами 554-1, 1999 йил 1 апрель). *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан тасдиқланган.*

Адлия вазирининг 2012 йил 7 сентябрдаги 194-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

5. «Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 августдаги 233-сон қарори билан тасдиқланган Бюджет маблағлари ҳисоби-га фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техника дастурларини амалга оширишда қатнашувчи илмий-тадқиқот муассасалари илмий ва раҳбар ходимларининг базавий лавозим маошлари миқдорини ўзгартириш тўғрисида»-ги қарор (рўйхат рақами 2308, 2012 йил 4 январь). *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган.*

Адлия вазирининг 2012 йил 10 сентябрдаги 196-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

МЕҲНАТ ДАФТАРЧАСИДАГИ БИРИНЧИ ЁЗУВ

Ходима Бухородаги олий ўқув юртини тугатган, илгари ҳеч қаерда ишламаган. Уни ишга қабул қилишда белгилангандек меҳнат дафтарчасини меҳнат биржаси орқали олиб, унга пул ўтказиш йўли билан 1 400 сўм тўладик (кейинроқ ушбу суммани ходимнинг иш ҳақидан ушладим). Энди августдан бошлаб ходимнинг ташаббуси билан меҳнат шартномаси бекор қилинапти.

Меҳнат дафтарчасига биринчи ёзувни олий ўқув юрти қайд этиши керакми ёки олий ўқув юртини тугатганлиги тўғрисидаги белгиси билан бизми?

**Е.Маметова,
ХК бош бухгалтери.**

– Ушбу ёзувни сиз қайд этасиз.

Авалло шуни таъкидлаб ўтамизки, агар ходим биринчи марта меҳнат шартномасини ўқув юртини тугатганидан кейин тузса, **ўқиш даври тўғрисидаги ёзувни меҳнат дафтарчасига қайд этиш лозим**, чунки у пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун меҳнат стажига киритилади («Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонун 37-моддаси биринчи қисмининг «е» кичик банди).

Одатда ходим тўғрисидаги маълумотлар, шу жумладан маълумоти тўғрисидагилари ҳам (тугалланмавл олий, олий, асосий олий (бакалавр), олий (магистр) ходим тақдим этган ҳужжатлар асосида меҳнат дафтарчасининг биринчи саҳифасига ёзилади*. Бунда ўқиш вақти (даври) кўрсатилмайди.

Меҳнат дафтарчаси тўлдирилганидан кейин ходим ўзининг имзоси билан киритилган маълумотларнинг тўғрилигини тасдиқлайди. Кўрсатилган маълумотларни

*АВ томонидан 29.01.1998 йилда 402-сон билан рўйхатдан ўтказилган Меҳнат дафтарчаларини юритиш тартиби тўғрисида йўриқнома.

қайд этган шахнинг имзоси корхона муҳри билан тасдиқланади.

Меҳнат дафтарчасининг «Иши тўғрисидаги маълумотлар» бўлимининг 3-устунида иш берувчи томонидан тегишли ҳужжатларнинг санаси, рақами ва номи кўрсатилган ҳолда олий ва ўрта махсус ўқув юртидаги ўқиш даври тўғрисида ёзувлар қайд этилади.

Масалан: «Ишга қабул қилинишигача ...дан (сана) ...гача (сана) бўлган даврда ўқув юртида (муассасанинг номи) таълим олган».

Мазкур маълумотларни ушбу корхонадаги иши тўғрисидаги маълумотлар киритилгунга қадар олинган ҳужжатга (дипломга) мувофиқ аниқ қайд этиш зарур.

Қуйроқда меҳнат дафтарчасидаги «Иши тўғрисидаги маълумотлар» номли бўлимнинг 3-устунига корхонанинг тўлиқ номи сарлавҳа каби ёзилади.


Сарлавҳа тагидаги 1-устунда тартиб рақами кўрсатилади.

2-устунда ишга қабул қилинган сана ёзилади.

3-устунга «Фалон цех, бўлим, бўлинма, қисм ва ҳ.к.га фалончи лавозимга (касбга, мутахассисликка) қабул қилинди (тайинланди ёки сайланди)» деб ёзиб, берилган малака даражаси (агар шундай даража берилса) аниқ кўрсатилади. Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касбларининг номлари Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари классификаторига (ВМнинг 20.08.2010 йилдаги 181-сон қарори билан тасдиқланган) асосан кўрсатилади.

4-устунга қайси ҳужжатга асосан ёзилганлиги (санаси, тартиб рақами) қайд қилинади.

Ишга қабул қилиш, бошқа ишга ўтказиш тўғрисидаги ёзувларнинг ҳамма турлари буйруқ матнига мувофиқ бўлиши керак ва иш берувчи томонидан у чиқарилганидан кейин киритилади.



Меҳнат шартномаси бекор қилиниши тўғрисида ёзув киритилганда меҳнат шартномасини бекор қилиш асослари (сабаблари) меҳнат дафтарчасига ёзилмайди.

Меҳнат дафтарчасига киритиладиган ҳар бир ёзув билан (ишга қабул қилиш, бошқа доимий ишга ўтказиш ва меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги) иш берувчи унинг эгасини шахсий вараққа имзо қўйдирган ҳолда таништириши керак (Меҳнат кодексининг 81-моддаси).

Ишга қабул қилинаётган ходимларнинг меҳнат дафтарчаларига корхонанинг номини қандай тўғри қайд этиш керак – тўлиқ ёзиш лозими ёки қисқартмадан фойдаланибми?

Кадрлар бўлими.

УСТАВГА АСОСЛАНИНГ

– Меҳнат дафтарчаларини юритиш тартиби тўғрисида йўриқноманинг (АВ томонидан 29.01.1998 йилда 402-сон билан рўйхатдан ўтказилган) 2.12-бандига мувофиқ меҳнат дафтарчасидаги «Иши тўғрисидаги маълумотлар» номли бўлимнинг 3-устунига корхонанинг тўлиқ номи сарлавҳа каби ёзилади.

«Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Қонун 6-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларига биноан:

«Жамият давлат тилидаги ва бир вақтда жамиятнинг ихтиёрига биноан бошқа тиллардаги тўлиқ фирма номига эга бўлиши лозим ва қисқартирилган фирма номига эга бўлишга ҳақлидир.

Масъулияти чекланган жамиятнинг тўлиқ фирма номи жамиятнинг тўлиқ номини ва «масъулияти чекланган жамият» сўзларини ўз ичига олиши керак. Масъулияти чекланган жамиятнинг қисқартирилган фирма номи унинг тўлиқ ёки қисқартирилган номини ҳамда «масъулияти чекланган жамият» деган сўзларни ёки МСНЖ аббревиатурасини ўз ичига олиши керак».

Шу тариқа, **сиз жамиятнинг номининг таъсис ҳужжатлари** (таъсис шартномаси ёки устав) билан қабул қилинган ёзилишидан фойдаланишингиз керак бўлади.

**Саволларга эксперт-юрисгимиз
Абдусалом РИСКУЛЛАЕВ жавоб берди.**

КЎЗГА КЎРИНМАЙДИГАН ИШ ҲАҚИ

Россия Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) 173-сон Конвенциясини (Женева, 23.06.1992 йил) ратификация қилиб, унинг II бўлимидан келиб чиқадиган, меҳнаткашларнинг талабларини имтиёзлар воситасида ҳимоя қилишни назарда тутадиган мажбуриятларни ўз зиммасига қабул қилди. Ушбу мураккаб юридик формулировка иш берувчи банкрот бўлган тақдирда ходимлар тегишли тўловларни олишга устувор ҳуқуққа эга бўлишларини назарда тутди.

Дарвоқе, «Ночорлик (банкротлик) тўғрисида»ги федерал қонунга кўра меҳнат ҳақи ва ишдан бўшатиш нафақаларини тўлашга доир талаблар иккинчи навбатда, қарздор ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказганлиги учун жавобгар бўлган кишилар билан ҳисоб-китоб қилиб бўлганидан кейин, қондирилиши керак. Шу тариқа, ходимларнинг кредиторлар талабларига қараганда имтиёзли эканлиги тасдиқланди. Халқаро Конвенцияни ратификация қилиш эса уни янада мустаҳкамлайди – ҳокимият қанчалик ўзгармасин, у Конвенция билан белгиланган ҳуқуқлар қисмида ходимларнинг аҳволини қонун чиқариш орқали ёмонлаштира олмайди.


Бироқ қизиқарли бир жиҳат бор. Қонунлар билан ҳимояланганлик юқори бўлишига қарамай, 2012 йил 1 апрелига келиб Россиядаги банкротлик босқичида турган корхо-

налар ўз ходимларидан 831 млн рубль – мамлакатда иш ҳақи бўйича қарз умумий суммасининг 40%идан кўпроқ қарз бўлиб қолдилар.

Бир томондан, ходимларга устувор тўловларни кафолатлайдиган қонун бор, бошқа томондан эса, у бажарилмайди ва кишилар йиллар мобайнида ўз пулларини ололмайдилар. Корхонада банкротлик таомили бошланса, унинг мол-мулки сотилади, олинган пуллар эса кредиторларнинг талабларини қондиришга сарфланади. Йирик хўжалик субъектида тушган маблағлар кўп қарзларни узишга етади. Агар у устав капитали 10 минг рублли МЧЖ бўлса, одатда унинг мол-мулки мавжуд бўлмайди. Демак, ходимлар билан ҳисоблашиш учун сотадиган ҳеч нарса йўқ. Оқибатда қарз узилмай қолаверади.

Бу ҳолатнинг бошқа томони ҳам бор. Иш берувчининг ишлари жўна-

Хорижда



шиб кетса, у тез орада ҳамма билан ҳисоблашишини ваъда қилади. Кишилар ваъдага ишониб, икки-уч ойлаб иш ҳақи олмасдан, кейинроқ ҳисоблашишларига ишониб ишлашда давом этадилар. Кейин уларга тўланадиган қарз ошган, бироқ пул ҳамон йўқлиги маълум бўлади. Сотиб қарзни узиш мумкин бўлган мол-мулк ҳам мавжуд эмас.

Экспертлар ходимларга тўловлар учун иш берувчининг жавобгарлигини сугурталаш вазиятни ўзгартириш мумкин деб ҳисоблайдилар. Агар корхонада фондлар бўлиб, улардан ночорлик ҳолатида кишиларга, гарчи тўлиқ бўлмасада, давлат томонидан белгиланган ижтимоий мақбул энг кам миқдорда иш ҳақи тўланса, муаммо ҳал этилган бўларди.

Хорижий матбуот материалларидан.

Таассуфки, бу гап ҳозирги кунларда ҳам асослилигича турибди. Жиноятлар асосан одамлар кўз ўнгида содир этилганлиги, бўлган қабоҳатга кўпчилик тамомила бепарқ муносабатда бўлганлиги билан боғлиқ ҳолатларни ҳар ким ҳам эслаши мумкин. Яхшиямки, зуваласи бошқа одамлар бор: улар яқин атрофда бирон ҳодиса содир бўлса, бир чеккада томошабин бўлиб турмайдилар.

Куйида сўз юритилаётган воқеа содир бўлганига кўп бўлди. Ушанда ёзнинг жазирама куни эди. Қош қорайган бўлсада, тик этган шабада йўқ. Чилонзор мавзесидаги кўп қаватли уйлардан бирининг ланг очик ойнаси олдида ёш келин-куёв тунги салқин туриб қолар деган илинжда чор-атрофни томоша қилиб ўтирар эди. Ёқиглиқ телевизор панель уйдаги квартира ҳавосини янада иситиб юбораётгандек туюлгани боис уни ўчира қолишди.

Кутилмаганда тун сукунатини бир аёлнинг жон аччиғидаги қичқириги бузди. Тун қаърини қамраб олган бу қичқириқдан чидаб бўлмас даражадаги оғриқ ва қалбни ларзага келтирувчи даҳшат уфуриб турарди.

Қичқириқ анҳор бўйидаги қатор уйларнинг нариги чеккасидан эшитилганди. Келин-куёв қичқириқни эшитгани ҳамони деразадан бош чиқариб, ўша тарафга тикилдилар, лекин ҳеч нарса кўринмади. Чўчириқираганларига қарамай, лоқайдлик кўчасидан ўтмаган ёш эр-хотин ёрдамимиз тегар деб ўйлаб, ўша ҳайқириқ келган томонга, тим қоронги тарафга йўл олдилар. Ҳар эҳтимолга қарши йигит болта, хотини эса болға кўтариб олди.

Сувнинг бўйига боргунча улар ҳеч кимни кўрмадилар, овоз бериб борган бўлсалар-да, ҳеч қанақа жавоб бўлмади. Агар ўша жон таслим қилаётгандек тую-

лувчи қичқириқни ўз қулоқлари билан эшитмаганларида эди, улар уйга хотиржам қайтиб кетишлари мумкин эди. Қайтишда ҳам теварак-атрофни синчковлик билан қараб келар эканлар, тўрт қаватли уйлардан би-

қилган шахс ўз қурбонининг ортидан борган бўлиши, бинобарин, хавф-хатар сақланиб турган бўлиши мумкин. Балки ўша аёл квартирада бир ўзидир, унга ёрдам керакдир... Хуллас, улар қон излари бўйлаб биринчи

машинасини чақиртирдингизми, деб сўрашди ундан. Саволлари жавобсиз қолди, ҳалиги аёл эшикни қарс этиб беркитиб олди.

Шу аснода участка инспектори, уни кимдир телефон ор-

дилликлари учун миннатдорчилик билдириб, исм-шарифларини, манзилларини ён дафтарига ёзиб олгач, уйларига бораверишларини сўради. Ўзи эса шифокорлар ва навбатчи тезкор гуруҳ келишини кутиб квартирада қолди.

Участка инспектори эртаси куни учала гувоҳниқиди бўлиб, улардан кечаги воқеа хусусида муфассал тушунтириш хати олди. Сухбатдошларининг кўхлик аёл тирикми, унга нима бўлган экан, деган саволларига жавобан унинг омон қолганлигини айтди. Шифокорларнинг фикрича, кўп қон йўқотган бўлсада, унинг ҳаёт қолишига энди шубҳа қилмаса ҳам бўлар экан.

Аслида жиноят рашк оқибатида содир бўлган экан. Бу чиройли қиз қаҳвахонада официант бўлиб ишлаганлиги боис уйига кеч қайтар экан. Ёш ва хушрўй эканлиги боис кўпчилик мижозлар эътиборини тортар, жазмани эса бундан рашки келиб ўзини кўярга жой топа олмас экан. Ўша воқеа содир бўлган куни ошиқ "Отелло" яна севгилисини рашк қилган официант қиз мижозлардан бирига ноз-карашма қилаётгандек туюлган унга. Спиртли ичимлик ичиб, "ақлини пешлаб олган" йигит қизнинг уйига қайтар пайтини пойлаб, йўлда унга етиб олиб, рашк ўтида галдаги жанжалини қилган ва иш... пичоқ уриш билан якун топган.

Хуллас, қизнинг бахти бор экан, омон қолди. Рашкчи жазманининг айби эса ўтказилган тергов ҳамда қатор экспертизалар (суд-тиббий, суд-биологик ва трассологик экспертизалар) асосида исбот этилганлиги боис судланди ҳамда қилмишига яраша жазо олди.

Ольга МАРШАНСКАЯ
Адлия вазирлиги
ҳузуридаги Республика суд-экспертиза марказининг давлат суд эксперти.

ЗАМОНАМИЗ «ОТЕЛЛО»СИ



Фарб адибларидан бирининг тугалланмаган романида айтилган мана бу гаплар нақлга ўхшайди: "Ғанимлардан кўркма, улар нари борса сени ўлдиришлари мумкин. Дўстлардан ҳам сира чўчима, ёмонлик йўлига ўтсалар, сенга сотқинлик қилишлари мумкин. Лоқайдлардан кўрк, зотан улар сени ўлдирмайдилар, сенга сотқинлик қилмайдилар, аммо уларнинг жимгина розилиги оқибатида ер юзида сотқинлик ва қотилликнинг куни туғмоқда".

рининг ён тарафида, йўлда қандайдир қора доғларга кўзлари тушди. Тунги чироқларнинг ғирашира нурида бу доғлар қонга, ҳали қотиб улгурмаган қонга ўхшарди. Ана шу доғлар изидан бориб, йўлакка яқинлашдилар. Йўлакда ҳам қон излари бор эди. Бу вақтда каттароқ ёшдаги бир аёл ҳам уларга келиб қўшилди: қичқириқни эшитган экан, ўзи билан ошпичоқ кўтариб олибди.

Учволон вазиятни муҳокама этиб, изланишни охирига етказишга аҳд қилишди. Зотан ҳужум

қаватдаги квартира эшигига бориб қолишди. Ним очик эшикни итаришган эди, йўлак полини ҳам қон "бежарган" экан. Шу пайт кўлида қондан қизарган сочиқ кўтарган ўрта яшар аёл кўринди. Ярадорга ёрдам керак эмасми деб беришган саволларига бу аёл кўрслик билан "Бу ерда ҳеч қанақа ярадор йўқ, қани туёқларингизни бир шикиллатиб қолинг-чи", - деди тўнғиллаб. Бунақа муомаладан эсанкираброқ қолган учала кўмакчи ҳеч бўлмаса "тез ёрдам"

қали чақиртирган бўлса керак, югуриб етиб келди. Квартира бекаси уни, табиийки, ҳайдаб юбора олмади. Инспектор квартирада нима содир бўлаётганлигини тезгина англаб олди. Ётоқхонада ўнг ёнбошига сочиқ босганича ёшгина жувон ётарди. Силқиб чиқаётган қондан сочиқ алвон тусини олганди. Участка инспектори дарҳол "тез ёрдам" ва навбатчи гуруҳни чақирди.

Учала жасур гувоҳлар билан қисқача савол-жавоб қилиб, уларнинг қуончакликлари, раҳм-

Реклама

"AMIR-AUDIT" МЧЖ
аудиторлик ташкилоти
28.03.2008 йилдаги 00542-сон лицензия.
УЗР АВнинг 12.01.2005 йилдаги 991-сон гувоҳномаси.

Ўзбекистон Республикасидаги барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текширувлари ўтказиш

Малака сертификатли аудиторларни ишга қабул қиламиз
Бухгалтерия ҳисоботи ва баланс тузиш

Тел.: (+99890) 187-04-68, (+99890) 644-62-23, 296-55-78; факс (8371) 296-52-15

Эълонлар

СОТИЛАДИ

Совуткич камера 3600 м³. 1 йилда ўзини оқлайди (850 000)*. Тел.: 926-32-23.

ЮРИДИК ХИЗМАТЛАР

ADVOKAT ELITE. Судларда вакиллик қилиш. Корхоналар, ваколатхоналарни рўйхатдан ўтказиш, қайта ташкил этиш, тугатиш ва уларга юридик хизмат кўрсатиш*.
Тел.: 281-52-39, (+99890) 346-16-89.

Хўжалик масалалари бўйича адвокат.
МЧЖ, ХКларни рўйхатдан ўтказиш ва қайта рўйхатдан ўтказиш*. Тел.: 385-74-02, 322-37-99.

Кўчмас мулк бўйича юрист маслаҳатлари. Кадастр*.
Тел. (+99890) 346-16-89.

ХИЗМАТЛАР

Солиқ органига, туман статистика бўлимига, Халқ банкига топшириладиган электрон ҳисоботлар учун дастурларни ўрна-тиш, сошлаш.
Тел. 963-89-58.

Ташкилотлар учун компьютер ва маиший техникани ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш.
Тел.: 233-74-95, 233-17-56, 236-76-46.

Картрижларни тўлдириш. Жойига чиқиш билан.
Тел.: 127-15-28, 914-67-79.

*Хизматлар лицензияланган. Товар сертификатланган.

Иқтисодий-ҳуқуқий газета

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИКЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ "Norma Namkor" МЧЖ

Газета 2006 йил 26 декабрда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигида рўйхатга олинди.
Рўйхат рақами 0074.

БОШ МУҲАРРИР
ФАРҲОД КУРБОНБОВ
ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100105, Тошкент ш.,
Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1,
Таҳририят тел. 283-44-27
Обуна бўлими тел. 200-00-30
E-mail: gazeta@norma.uz,
normapress@mail.ru
www.norma.uz
Нашр учун масъул:
Нодир Алимов

Муаллифлар фикри доим ҳам таҳририят нуқтаи назарига мос келавермайди.
Таҳририят муштарийлар билан ёзишиб туриш имкониятига эга эмас.
«Norma маслаҳатчи»да эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда кўпайтириш, тарқатишга фақат «Norma» газеталари бирлашган таҳририяти» МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

Газета таҳририят томонидан тайёрланган диапозитивлар ёрдамида "TOPPRINT" МЧЖ босмаҳонасида босилди (Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1).
Индекс - 186 Буюртма 511. Адади 2 780. Баҳоси келишилган нарҳда
Газета 2012 йил 28 сентябрда соат 16.00 да топширилди.
ISSN 2010-5223